

SHARQ ADABIYOTIDA IRFON IFODASI

Латипов Ҳаёт Рамазонович

Калит сўзлар: ирфон, илм, маърифат, ориф, олим, шоир, муסיқа, суфлий олам, қудсий олам, нафси аммора, нафси лаввома, тафаккур, таҳаммул, шариат, тариқат, ҳақиқат, сидқу садоқат, шижоат, иффат, адолат, саодат.

Ушбу мақола: форсигўй олим ва шоирлар, муҳаббат ва маърифат аҳли кўнглида кашф этиладиган нозик маъноларнинг бадииятдаги ифодалари ва рамзий-ишоравий образлар тавсифи ҳамда тасаввуфий истилоҳлар (терминлар) бағридаги моҳиятлар талқинига бағишланган.

Адабиёт – ҳаёт инъикосидир. Чунки, адабиётда даврнинг ахлоқий, ижтимоий, сиёсий жиҳатлари у ёки бу тарзди ўз ифодасини топади. Шу маънода адабиёт ва тарих ҳақиқати ёнма-ён яшайди. Ҳижрий I-II асрлардан бошланган маънавий-ахлоқий таълимот – тасаввуфнинг адабиётга таъсири ҳам беқиёс бўлган. Шубҳасиз, Шарқ адабиёти ривожини, юксалиши тариқатлар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан, олий адабиёт намунасини яратган ва қатор халқлар адабиёти ривожига муҳим ҳисса қўшган форсий адабиёт илдизи ҳам тасаввуфнинг умумжаҳоний ғояларидан озиқлангани айни ҳақиқатдир. Бу тасаввуф қўлланмаларида эътироф этилган бўлиб, тасаввуфшунос Н.Комилов ҳам мазкур масала юзасидаги фикрларини қуйидагича баён этган: “XI асрдан бошлаб Шарқнинг, деярли, барча нуфузли шоир ва ёзувчилари мутафаккир ва олимлари тасаввуфдан озиқланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар”⁸.

Шарқ адабиёти тасаввуфий ғоялар билан бирга образ ва рамзлар билан ҳам бойиди. Мазкур образлардан бири, шубҳасиз, орифдир. Хусусан, XIII-XV асрлар форсий халқлар адабиёти равнақида ҳам орифона ғоялар, тасаввуфий тушунча ҳамда тимсолларнинг ўрни бениҳоя баланддир. Таъкидлаш жоизки, ушбу тушунча ва тимсоллар даставвал араб халқлари маънавий олами ва ирфоний адабиётида шаклланиб, кейинчалик форс-тожик адабиётига ўтган. Бобо Кўҳий (933/34-1050/51), Абусаид Абулхайр (967-1049), Носир Хисрав (1004-1088), Абдуллоҳ Ансорий (1006-1088), Муҳаммад Ғаззолий (1058-1111), Ҳаким

⁸ Н.Комилов. Тасаввуф. – Тошкент: MOVAROUNNAHR – OZBEKISTON. 2009. – Б. 4

Санойй (вафоти 1140/1150), Шайх Рўзбеҳон Буқлий (1129-1213), Низомий Ганжавий (1141-1209), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Мажидиддин Бағдодий (1150-1217), Фаридиддин Аттор, (1145-1221), Авҳадиддин Кирмоний (1168-1236), Разииддин Али Лоло (вафоти 1243), Шамсиддин Табризий (1188-1248), Сайфиддин Бохарзий (1190-1261), Саъиддин Ҳамавий (1252), Бобо Афзал (1195/96-1256 ёки 1265/66), Саъдий Шерозий (1203-1291), Жалолиддин Румий (1207-1273), Нажмиддин Розий (вафоти 1278), Фахриддин Ироқий (1213-1289), Паҳлавон Маҳмуд (XIII аср ўрталари-1322), Маҳмуд Шабустарий (1252-1320), Амир Хисрав Деҳлавий (1253-1325), Камол Хўжандий, (1318/23-1401), Ҳофиз Шерозий (1326-1389), Абдулвафо Хоразмий (вафоти 1432), Қосим Анвор (1355-1433), Яъқуб Чархий (1363-1447), Ҳусайн Хоразмий (1368/69-1435), Абдурахмон Жомий (1414-1492) каби форсийзабон мутасаввиф шоир ва олимлар асарларида ушбу маслак ва образлар энг юксак даражада таъриф-у талқин этилган.

Аввало, форс адабиётининг буюк вакили Абусаид Абулхайр ҳақида тўхталиш жоиздир. Адабиётшунос Эргаш Очилов Абусаид Абулхайр ҳақида: “Шайх Абусаид Абулхайрнинг тўлиқ исми Абу Фазлуллоҳ ибн Абулхайр Муҳаммад ибн Аҳмад Меҳнавий бўлиб, у Хуросондаги Ховарон вилоятининг Шарқда машҳур бўлган Меҳна қишлоғида туғилган. Унинг сўфийлик йўлига киришига отаси – Абулхайр сабаб бўлган. У тасаввуф аҳлини дўст тутар ва уйда тез-тезда сўфиёна мажлислар уюштирар эди. Бундай мажлислар уларнинг иштирокчиси бўлган Абусаидни Ҳақ ошиғига айлантиради... Абусаид Абулхайрга “қабул назари” Шайх Абулқосим Бишр Ёсиндан тушган: у Абусаиднинг келажagini башорат қилиб, “олам анинг билан тирилгусидур”⁹, – деган эди. Сўнг Сарахсда Шайх Абдулфазл Сарахсийга мурид бўлиб, ундан тариқат одобини ўрганadi. Устозининг даъватига кўра Нишопурга бориб, ўз даврининг машҳур олими Абдурахмон Суламий қўлида диний илмларини камолга етказиб, иршод даражасини олади¹⁰. У шайхлик хирқасини Шайх Абулаббос Қассоб Омулий қўлида кияди”¹¹ каби маълумотларни ҳавола этади.

⁹ А.Навоий. МАТ. 20 томлик 17-том. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Фан, 2001. – Б. 207

¹⁰ IX-XVII аср туркмен эдебиятынын шахырлары. Справочник.(Чапа тайярлаян С.Дурдыев). Ашгабат. 1967. – Б. 11-12

¹¹ Э.Очилов. Донишмандлар тухфаси. – Тошкент: ЎЗБЕКИСТОН, 2009. – Б. 18

Мана шундай комил муршидлар тарбиятида камолга эришган Абусаид Абулхайр мутасаввиф олим, сўфий шоир эди. Навоий ҳам “Насойимул-муҳаббат”да бу ориф зот ҳақидаги бир-биридан қизиқарли маълумотларни келтиради. Жумладан, Шайхдин сўрдиларки, тасаввуф недур? Дедиким, “Мияндин борини чиқариб ташла! Қўлингдагини борини эҳсон қил! Бошинга нима келса, хотиржам қарши ол!”¹² Абусаид Абулхайрнинг ушбу жавоби тасаввуф моҳияти, хусусан, орифлик даражаси ҳамда моҳиятини кўрсатиб беради. Навоий ушбу асарда унинг шоирлик маҳорати, валийлик мақомини кўрсатувчи қуйидаги маълумотни ҳам айтиб ўтган: “Устоз Абу Солиҳки, шайхнинг муқриси эрди, бемор бўлди. Ҳазрат Шайх Абубакр Муаддабғаки, фарзандларининг адиби эрди, дедиким, даво ва қалам келтур ва қоғазки, Абу Солиҳ учун бир нима битайли! Ул ҳозир қилғач, бу рубоийни буюрдиким, битиди:

Хурлар нигоримни кўришга саф тортдилар.

Ризвон таажжубланиб, қарсак чалиб юборди.

У қорахол юзларига парда тортти.

Абдол қўрққанидан “Қуръон”га чангал урди.

Ва Абубакр Муаддабға дедиким, элтиб, Абу Солиҳға боғлади. Филҳол сиҳат топти ва ҳамул кун чиқти”¹³. Абусаид Абулхайр сайри сулуқда илми камолга етгач, ўз хонақоҳини очади ва муридлар тарбиясига машғул бўлади. Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож каби машҳур тариқат пирларини ўзига устоз санаб, уларнинг анъаналарини давом эттирган Абусаид Абулхайр ўзи ҳам юзлаб шогирд, муносиб халифалар етиштиради. Улар орасида “Абу Али Фарюмадий, “ҳужжат ул-ислом” Муҳаммад Ғаззолий, Озарбайжонда тўрт юз хонақоҳ қурдирган Абу Наср Ширвоний”¹⁴ сингари тасаввуф оламида машҳур арбоблар бор. Абусаид Абулхайр буюк олим Абу Али Ибн Сино билан ҳам бир неча бор учрашиб, суҳбатлашгани ҳақидаги хабарлар ҳам бизгача етиб келгандир. Албатта, бу икки буюк истеъдоднинг учрашуви бесамар кечмаган. Уларнинг қалб кўзи очилишида маънавий бир калит бўлгани шубҳасиз. Уларнинг орифона мушоҳадасида ҳам бу яққол намоён бўлади.

¹² А.Навоий. МАТ. 20 томлик, 17-том. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Фан., 200. – Б. 213

¹³ А.Навоий. МАТ. 20 томлик, 17-том. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: 2001. – Б. 212-213

¹⁴ Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. –Тошкент: 2004. – Б. 86

Ибн Сино “Ал-ишорат” номли асарининг орифлар мақомига бағишланган бўлимида уларнинг муסיқа тинглашга эҳтиёжи борлигидан сўзлаб: “Ориф риёзатга муҳтож эрур. Риёзат уни уч манзилга етказди. Биринчиси, Ҳаққа яқинлик. Иккинчиси, нафси амморани нафси лаввомага итоат қилдириш. Бунда хаёл ва ваҳм қуввати суфлий оламдан узилиб, қудсий оламга томон йўналади. Учинчиси, уйғониш ва ҳассос ҳолга эришмоқ учун сирни латифлаштириш”¹⁵, – дейди.

Олимнинг изоҳлаши бўйича биринчи мақсадни бажаришга ҳақиқий зуҳд ёрдамчилик қилади. Иккинчи ғоянинг юзага чиқишини тафаккур ва таҳаммулга асосланган ишонч ва ибодат таъминлайди. Учинчи чегарани эгаллашда эса латиф фикр, руҳоний ишқ ва оҳангга суюнилади.

Ибн Синонинг уқтиришича: “...Ориф ва орифлик камолини муסיқадан ажратиб бўлмайди”¹⁶.

Тасаввуфга оид форсийда битилган назарий китоблар ва луғатларда орифга кўплаб таърифлар берилиб, унинг феъл-атвори, ахлоқий-маърифий сифатлари, ҳоли ҳақида турлича фикрлар илгари сурилган:

“Ориф – яъни шуносандаҳ ва касе астки, ҳазрати илаҳий ўро ба мартабати шуҳуд зоти ва асмоъи худ расонида бошад. Ва ин моқоме ба тариқи ҳол ва мукошифаҳ бар ў зоҳир гаштаҳ бошад. На ба тариқи мужарради улум ва маърифати ҳол”¹⁷.

Мазмуни: Ориф – танигувчи киши демакким, Аллоҳ уни ўз зоти ва исмларини мушоҳада этиш мартабасига етказгандир. Яъни, маънавий-руҳий тажриба, илҳом ва мушоҳада йўли билан илоҳий маърифатга эришиб, Аллоҳни кашф этгувчи зот орифдир. Сайри сулук номли узун йўлчиликда инсон махлуқотларнинг гултожи шарафи имтиҳон этилади. Бу синовдан фақат Ҳақни таниш орқали ўтиш мумкин.

Ориф – доно, шуносанда. Воқиф ба дақойиқ ва рамуз, огоҳ. Онкиҳ Худо ўро ба мартабат шуҳуди зот ва асмо ва сифоти худ расонида бошад ва ин мақом ба тариқи ҳол мукошафа бар ў зоҳир шуда бошад на ба мужарради улум ва маърифати ҳол. Фарқи ориф

¹⁵ Абу Али Ибн Сино. “Ат-танбеҳ ва-л-ишорат” китобидан тўққизинчи нигоҳ орифлик (илоҳий маърифат эгаларининг) мартабалари ҳақида. Маҳкам Маҳмуд таржимаси. \\ Бухоро мавжлари, 2016, №4. – Б. 29-30.

¹⁶ Уша манба. – Б. 29-30.

¹⁷ Сайид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳти орифон ва муттассавиф. – Техрон. Ҳижр. 1339. – Б. 283

бо ҳақим ва файласуф дар кайфият истидлол ва роҳ идроки ҳақойиқ аст. Ҳақим ба қавиҳ ақл ва истидлол мантиқий пае ба кашфи ҳақойиқ мебарад, ва ориф аз роҳи риёзат ва таҳзиби нафс ва сафойи ботин ба кашф ва шуҳуд мерасад¹⁸.

Мазмуни: Ориф – донишманд, танигувчи, анлаган, Ҳақ маърифатидан огоҳ. Ориф Аллоҳни ҳақиқий маънода билгувчи киши. Олимга ўхшаб билгувчи маънода келсада, ориф олимдан фарқ қилади. Олим илмий бир таҳсил ва интилиш билан мақсадга етса, ориф маърифатни илҳом ва ҳол орқали қўлга киритади. Оллоҳни кашф ва мушоҳада йўли билан билиш орифнинг хос хусусиятидир.

Форсийгўй мутассавифларнинг ҳам эътирофларига кўра, Маърифат¹⁹ – инсоннинг ўзини ва Роббини таниш салоҳиятидир. Яъни, улар маърифат бир нур²⁰ бўлиб, имон аҳли шу маърифат нурлари орқали Яратганга яқинлашадилар ҳамда абадий саодатга эришадилар, – деган фикр-қараш билан умр кечирганлар. Чунончи, Орифибиллоҳ – Шайх Маҳмуд Шабустарий бу ҳақда шундай дейди:

دلی کز معرفت نورو سفا دید ز هر چیزی که دید اول خدا دید

Мазмуни: Агар кимнингдир кўнгил кўзи маърифат нурлари ила мунавварлашган бўлса, у албатта, ҳар бир нарсада Худони кўради.

Маърифатни маъно аҳли “ирфон” деб аташган ва уни Аллоҳнинг эҳсони санаб, илмга нисбатан имтиёзи юқори деб билишган. “Маърифат” калимаси билиш, билиб олиш, таниш, қайтадан таниш ва билим маъноларида ҳам ишлатилади. “Ирфон” сўзи умумий маънода зоҳирий илмдан фарқли ўлароқ, бирор нарсани аниқ ва ҳар томонлама мукамал билишни англатади²². Бундай билим кашф ва илҳом²³га таянишини назарда тутадиган бўлсак, тасаввуфнинг амалий

¹⁸ Мухаммад Муъйин. Фарҳанги форсий. Жилди 2. Дол – қоф. – Теҳрон: Муасасаъ интишорат Амири Кабир. Ҳижр. 1382. – Б. 2260

¹⁹ Abdul Kerim Kuseyri. Kuseyri risolasi. Hozirlayan: Suleyman Uludag. – Aralik: Dergah Yayinlari. 1991. – Б.489-490; Ibn Arabi. Marifet kitabi. Tercume: Ercan Alkan, Osmon Sacid Ari. Islam klasirleri dizisi. – Istanbul. 2008. – Б.48,140,143,197,198,276,286; Сайид Жаъфар Сажжодий.. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. –Теҳрон: ҳижр.1339. –Б.374-379; Алишер Навоий ТАТ, ўн жилдлик, ўнинчи жилд. – Тошкент: Фафур Фулом, 2011. –Б.647-648; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. –Б.227

²⁰ Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. –Теҳрон: ҳижр.1339. –Б.404; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. –Б.231

²¹ Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Теҳрон: 1952. – Б. 13

Диле, к-аз маърифат нуру сафо дид,
Зи ҳар чизе, ки дид, аввал Худо дид.

²² Абдулҳақим Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 10-11

²³ Abdul Kerim Kuseyri. Kuseyri risolasi. – Aralik: 1991. – Б. 22-25, 199-203, 502-523; Ibn Arabi. Marifet kitabi. Tercume: Ercan Alkan, Osmon Sacid Ari. – Istanbul: Islam klasirleri dizisi, 2008. – Б. 181,189; Сайид Жаъфар Сажжодий.

босқичи саналган тариқатдан мақсад маърифат эканлиги аёнлашади²⁴. Мана шу маърифатнинг маъно-моҳиятини англамасдан, тариқатлар мақсад маслагини билиш имконсиздир. Чунки илмдан фарқли ўлароқ маърифат Ҳақ йўлчисининг қалбига ворид бўлувчи илҳом – илми ладун билан боғлиқ.

Имом Ғаззолийга кўра, соғлом қалб тўхтовсиз равишда зикруллоҳ ва маърифатуллоҳдан завқ олади. Чунки маърифат соҳилсиз, тубсиз бир денгиз бўлиб, у ҳикмат озуғидир. Ҳужжат ул-ислом мазкур мавзу ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини давом эттириб: “Одам ботиний кўзи очилмагунча, то маърифат ҳосил қилмагунча Ҳақ жамолини кўролмас. Ҳақ таоло жамолини мушоҳада қилолмас. Бас, маърифати илоҳийнинг калиди Ҳақ таолонинг ажойиб яратиш ва ғаройиб қудратларини мушоҳада қилмоқдур... Ва дилни ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг жамоли бокамолин мушоҳада қилмоқ учун халқ қилибдур... Ва дилнинг физоси(озиғи) Ҳақ таолонинг маърифати ва муҳаббатидур²⁵, – дейди.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. А.Навоий. МАТ 20 томлик, 17-том. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Фан, 2001.
2. Алишер Навоий. ТАТ, ўн жилдлик, ўнинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011.
3. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001.
4. Abdul Kerim Kuseyri. Kuseyri risolasi. Hozirlayan: Suleyman Uludag. – Aralik: Dergah Yayinlari. 1991.
5. Ibn Arabi. Marifet kitabi. Tercume: Ercan Alkan, Osmon Sacid Ari. Islam klasirleri dizisi. – Istanbul. 2008.
6. Иброҳим Ҳаққул. Сўздаги ўзлик. – Тошкент: Баёз, 2013.

Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. – Техрон: ҳижр.1339. – Б. 327-328; Алишер Навоий ТАТ, ўн жилдлик, ўнинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011. – Б. 64; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 223-225

²⁴Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат – Тошкент: 2006, – Б. 37-47. Яна буҳақда қаранг: Эшонқулов Ҳ.П., Боғиев Н.Н. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида ориф образи \\Бухоро давлат университети илмий ахбороти. 2014, №1, – Б. 56

²⁵Ibn Arabi. Marifet kitabi. – Istanbul: Islam klasirleri dizisi, 2008. – Б. 184,275; Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. – Техрон: ҳижр.1339. – Б. 352-357; Алишер Навоий ТАТ, ўн жилдлик, ўнинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2011. – Б. 647-648; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 230

7. Н.Комилов. Тасаввуф. – Тошкент: MOVAROUNNAHR – OZBEKISTON. 2009.
8. Дилдора Муродова. Ориф образи ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003, №2, – Б. 76-78
9. Hayrani Altintas. Ibn-i Sina dusuncesinde tasavvufi kavram olarak arif va irfan. Uluslararası Ibn Turk, Harezmi, Farabi, Beruni, ve Ibn Sina Sempozyumu bildirileri. (Ankara, 9-12 Eylül 1985). – Ankara: 1990.
10. Маҳкам Маҳмуд таржимаси. Абу Али Ибн Сино “Ат-танбеҳ ва-лишорат” китобидан тўққизинчи нигоҳ орифлик (илоҳий маърифат эгаларининг) мартабалари ҳақида \ \ Бухоро мавжлари, 2016, №4. – Б. 29-30
11. Муҳаммад Муъйин. Фарҳанги форсий. Жилди 2. Дол – қоф. – Теҳрон: Муасасаъ интишорат Амири Кабир. Ҳижр. 1382.
12. Сайид Жаъфар Сажжодий. Мусталаҳоти урафо ва мутасаввуф. – Теҳрон: ҳижр.1339.
13. Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Теҳрон: 1952.
14. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004.
15. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат – Тошкент: 2006, – Б. 37-47. Яна буҳақда қаранг: Эшонқулов Ҳ.П., Боғиев Н.Н. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида ориф образи \ \ Бухоро давлат университети илмий ахбороти. 2014, №1, – Б. 56.
16. Э.Очилов. Донишмандлар тухфаси. – Тошкент: ЎЗБЕКИСТОН, 2009.
17. IX-XVII асыр туркмен эдебиятынын шахырлары. Справочник.(Чап тайярляян С.Дурдыев). – Ашгабат. 1967. – Б. 11-12.
18. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. –Тошкент: 2004.
19. Latipov H. R. ALISHER NAVOI ON LOVE, ENLIGHTENMENT AND AWARENESS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – С. 551-556.
20. Ramazonovich L. H. Souls striving to god or from the world of wise people //Journal of Social Sciences and Humanities Research. – 2018. – Т. 6. – №. 04. – С. 14-18.
21. Ramazonovich L. H. Symbolism, Allusion and Essence in the Work of Turkigoi Songs //International Journal of Formal Education. – 2024. – Т. 3. – №. 4. – С. 20-28.
22. Baxtiyorovna, N. N. ., & Latipov, H. R. . (2024). Expression of Common Ideas and Images in the Creations of Navoy and Pushkin. *International*

Journal of Formal Education, 3(4), 46–53. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2479>

23. Ramazonovich, L. H. . (2024). Symbolism, Allusion and Essence in the Work of Turkigoi Songs. *International Journal of Formal Education*, 3(4), 20–28. Retrieved from

<http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2474>

24. Охунжон Сафаров. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихининг айрим манзаралари. Бухоро-2012.

25. Safarova Hilola Oxunjonovna, "THE CROW, THE OWL, THE RAVEN, THE SLICE, WHICH TURNED YOUR FLOWERS. (one of the example create of Samandar Vohidov)", IEJRD -International Multidisciplinary Journal, vol. 6, no.TITFL, pp. 211–216, Apr. 2021.

26. H.Safarova "HAPPINESS IS THE FLAG LANGUAGE, FROM NARRINESS I AM ALSO A TONGUE!"... ON THE EXAMPLE OF THE WORK OF POETSAMANDAR VOHIDOV//Konferensii –2020.

27. Safarova Hilola Okhunjonovna, Rajabova Marifat Bakoevna, Amonova Zilola Kadirovna. Travelogues in The Literature of Bukhara at The End of The 19th and The Beginning of The 20th Century. *Res Militaris. Social Science Jounal/Res Militaris*, vol.13, n°1, Winter-Spring 2023.258-264.

28. Maxmudova R. PISATEL, POSPEVЦИY BOL NARODA. Til, adabiyot, tarjima, adabiy tanqidchilik xalqaro ilmiy forumi: zamonaviy yondashuvlar va istiqbollar. // Konferensiya –2021.

29. Makhmudova Robiyabonu Furkatovna. International Scientific Forum on language, literature, translation, literary criticism: international scientific-practical conference on modern approaches and perspectives. Web:<https://iejrd.com/196-200>.

30. Робиябону Махмудова. ОБРАЗ МАТЕРИ В ТВОРЧЕСТВЕ УТКИРА ХАШИМОВА, BEST JOURNAL OF INNOVATION IN SCIENCE, RESEARCH AND DEVELOPMENT ISSN: 2835-3579 Volume:3 Issue:4 | 2024,132-134.

31. Davronova S. THE ORIGINALITY OF THE ARTISTIC IMAGE AND THE TRUTH OF LIFE IN THE NOVELS OF ULUGBEK KHAMDAM //American Journal Of Social Sciences And Humanity Research. – 2022. – Т. 2. – №. 06. – С. 49-53.

32. Давронова Ш. Г. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АНЪАНАЛАРИ ВА ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ //МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА. – 2021. – Т. 4. – №. 1-2.

33. G'aybulloevna D. S. The Issue of Artistic Image of Nature and Method In The Works Of Isajan Sultan (On The Example Of "The Missing Motherland") //Indonesian Journal of Innovation Studies. – 2022. – Т. 18.

34. Давронова Ш. ҚИССАДА БАДИИЙ ДАЛИЛЛАШНИНГ ЎРНИ: Шоҳсанам Давронова БухДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, ф. ф. доктори //Научно-практическая конференция. – 2021.
35. Shokhsanam Davronova 2021. UZBEK NOVEL IN THE INDEPENDENCE PERIOD: TRADITION AND NOVELTY ISSUES. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*. (Feb. 2021), 679–683.
36. Davronova S. Eastern and western literary tradition in the modern uzbek novels //World science. – 2016. – Т. 4. – №. 5 (9). – С. 33-34.
37. Davronova S. MODERN ÖZBEK ROMANLARINDA KÂMİL İNSAN TERBİYESİ MESELESİNİN ELE ALINIŞI //Electronic Turkish Studies. – 2017. – Т. 12. – №. 15.
38. DAVRONOVA S. TARİHİ ROMANDA MUTASAVVIF BİLGİN SİMASI //DİL VE EDEBİYAT ARAŞTIRMALARI I. – С. 108.
39. Shokhsanam D. EASTERN AND WESTERN LITERARY TRADITION IN THE MODERN UZBEK NOVELS //International Scientific and Practical Conference World science. – ROST, 2016. – Т. 4. – №. 5. – С. 33-34.
40. Давронова Ш. Литературное влияние и творчество //Иностранная филология: язык, литература, образование. – 2016. – Т. 1. – №. 2 (59). – С. 40-46.
41. Давронова Ш. Адабий таъсир ва ижодийлик //Иностранная филология: язык, литература, образование.–2016. – 2016.
42. Davronova S. КОНТРАСТИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ МЕТОДА В ЛИТЕРАТУРЕ (НА ПРИМЕРЕ РАССКАЗА ИСАДЖАНА СУЛТАНА “ОЛИСДАГИ УРУШНИНГ АКС-САДОСИ”(«ЭХО ВОЙНЫ ВДАЛЕКЕ»)) //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 9. – №. 9.
43. Davronova S. Mythology in intellectual novels //Theoretical & Applied Science. – 2015. – №. 4. – С. 40-43.
44. Gaybulloevna D. S., Bakhtiyorovna N. N. PSYCHOLOGIST IN ULUGBEK HAMDAM'S NOVEL" FATHER.
45. Davronova S., Kandimova I. CHARACTER CREATION SKILLS OF LUKMON BORIKHAN //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION". – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 30-34.
46. Ahmadovich H. S., Muminovna M. M. About Nisoriy Bobur And Humoyun //NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal| NVEO. – 2021. – С. 4753-4767.

47. Muhammadova M. HUMOYUN MIRZO NISORIY TALQINIDA: Mahbuba Muhammadova Termiz davlat universitetining mustaqil izlanuvchisi //Научно-практическая конференция. – 2021.
48. Mahbuba, Muhammadova. "Nisoriyning" Muzakkiri ahbob" tazkirasida ayrim janr va badiiy san'atlar xususiyati." *Karabük-2020*.
49. Mo'minovna M. M. SECTION: HISTORY SCIENCE //POLISH SCIENCE JOURNAL. – 2019. – С. 29.
50. Mo'minovna M. M. NISORIY DO 'ST MUHAMMAD SULTON VA UNING IJODKOR SIFATIDAGI QIRRALARI HAQIDA //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – Т. 3. – №. 29. – С. 348-350.
51. Makhbuba M. Muzakkiri Ahbob" Fable By Nisari And Its Role In Literature Studies //European Journal of Business and Social Sciences. – 2019. – Т. 7. – №. 10. – С. 111-116.
52. Sanobar A., Mahbuba M. O'LMAS UMARBEKOVNING''ODAM BO'LISH QIYIN''ASARINING BADIY TAHLILI //ZAMONAVIY TA'LIMDA FAN VA INNOVATSION TADQIQOTLAR JURNALI. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 74-80.
53. Mo'minovna M. M., VA N. D. O. S. T. M. S., HAQIDA U. I. S. Q. INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM.–2023 //T. – Т. 3. – С. 348-350.
54. Muxammadova M. The Image of Navoi in the" Muzakkiri Ahbob" Tazgire //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – Т. 3. – №. 4. – С. 137-143.
55. Sh, Hayitov. "Depiction of king and great leaders in classic literature." *International Journal on Integrated Education* (2020): 161-164.
56. Hayitov, Shavkat Ahmadovich. "DREAM OF A PERFECT RULER." *Theoretical & Applied Science* 1 (2020): 459-463.
57. Sh, Hayitov. "The genre of manokib and the problem of a perfekt human being." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*. ISSN: 1475-7192.
58. Hayitov, Shavkat Akhmadovich. "The altitude of maturity." *Scientific reports of Bukhara State University* 3.1 (2020): 167-172.
59. Ahmadovich H. S., Muminovna M. M. About Nisoriy Bobur And Humoyun //NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal| NVEO. – 2021. – С. 4753-4767.
60. Ahmadovich S. H. CRITERION OF JUSTICE //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 1. – С. 193-204.
61. Аҳмадович, Ҳайитов Шавкат. "Алишер Навоий тиб илми ва табиблар ҳақида." *Conferences*. 2021.

62. Ahmadovich H. S., Muminovna M. M. History of a Ghazal of the Mawlana Jami's Literature //Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT. – 2022. – T. 2. – №. 1. – С. 102-106.

63. Hayitov S. A. THE IMAGE OF A PERFECT ARTIST (HAFIZ) //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – T. 4. – №. 3. – С. 322-326.

64. Ahmadovich, Shavkat Hayitov. "CRITERION OF JUSTICE." *Scientific reports of Bukhara State University* 4.1 (2020): 193-204.

65. HAYITOV, Shavkat. "BADIIY NASRDA QURO'NI KARIM OYATLARINING O'RNI." *Alisher Navo'i and 21 st century* 1.1 (2024).

66. Ahmadovich, Hayitov Shavkat, and Maftuna Bafoeva. "ATTITUDE OF HISTORICAL AND LITERARY CHARACTERS OF ALISHER NAVOI TO ART." *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 13.01* (2024): 69-74.

67. Hayitov, Shavkat. "Alisher Navoi's attitude to" green space"." *E3S Web of Conferences*. Vol. 431. EDP Sciences, 2023.

68. Raximovna U. N. TASAVVUF TA'LIMOTI VA G 'ARB ADABIYOTI //Ethiopian International Multidisciplinary Research Conferences. – 2023. – С. 117-119.

69. Umurova N. "IQRORNOMA" VA ISLOM FALSAFASI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 41. – №. 41.

70. Umurova N. INTERPRETATION OF HIS IDEAS IN THE WORK OF AHMAD YASSAVIY //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. С10. – С. 45-49

71. Raximovna, Umurova Nigina. ""Beshinchi tog "" asarida Sharq falsafasi." Ethiopian International Multidisciplinary Research Conferences. 2023.

72. Umurova N., Samadova S. Oriental Motives on "The Fifth Mountain" By Paulo Coelho //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 2.

73. Turaeva, L. O. (2021). Artistic and compositional features of harvest songs. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 629-634.

74. Тўраева, Л. О. (2024). ЎЗБЕК ДЕҲҚОНЧИЛИГИДА ТАҚВИМ РАМЗЛАРИ. *IMRAS*, 7(1), 779-783.

75. Тўраева, Л. О. (2023). ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ДЕҲҚОН ОЛҚИШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ИФОДАСИ. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(24), 22-25.

76. Тўраева, Л. О. (2023). ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚЎШИҚЛАРИ ЖАНРИНИ БЕЛГИЛАШДА КАСБИЙ АТАМАЛАРНИНГ ЎРНИ. *MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH*, 2(22), 66-70.

77. Тўраева, Л. О. (2023). ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚЎШИҚЛАРИ ЖАНРИНИ БЕЛГИЛАШДА КАСБИЙ АТАМАЛАРНИНГ ЎРНИ. *MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH*, 2(22), 66-70.

78. Тўраева, Л. О. (2022, June). Мақолларда деҳқонлар ҳаётининг бадиий талқини. In *E Conference Zone* (pp. 71-73).

79. То'райева, Л. (2021). ЎЗБЕК ЗИРОАТШИЛИГИДА МОШГА МУНОСАБАТНИНГ ФОЛЬКЛОРДАГИ БАДИИЙ ТАЛҚИНЛАРИ ХУСУСИДА. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 7(7).

80. Omonovna T. L. Artistic understanding of peasant life in proverbs // *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*. – 2022. – Т. 9. – S. 47-49.

81. Saidahmedovna, Uraeva Darmon, and RustamovaGavharBahronQizi. "Beliefs About the" Tree of Life" in Uzbek Folklore." *MiddleEuropeanScientificBulletin* 8 (2021).

82. Darmon U., Rano R., Dilshod R. The Stylization of Prose Tales in Uzbek Children's Literature // *Religación*. – Т. 4. – S. 170-174.

83. Saidakhmedovna, U. D., & Abdumalikovna, T. D. (2023). Ceremonial Dishes in Uzbek Language. *Texas Journal of Philology, Culture and History*, 15, 35-38.

84. Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. 1– жилд. Шеърлар, мансуралар, шеърый хатлар. – Тошкент: Академнашр, 2013.

85. Quvvatova D., Karimova Sh. Artistic Functions of Anaphora in Modern Uzbek Poetry // *Journal of Positive School Psychology* <http://journalppw.com> 2022, Vol. 6, No. 5, 6270 – 6274.

86. Quvvatova D., Sharipova R. The graduality of nature symbols in folk lyrics and classical poetry // *A Journal for New Zealand Herpetology. BioGecko*. Vol 12 Issue 03 2023 ISSN NO: 2230-5807.

87. Quvvatova D., Barotova M. Transference of National Peculiarities in the Novel "The Din" by E.A'zam. *International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT)*. ISSN: 2249 – 8958, Volume-8, Issue-5S3 July 2019.

88. Quvvatova D. World and Uzbek poems: comparison and analysis. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*. p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online). Year: 2020 Issue: 04 Volume: 84. Published: 30.04.2020 <http://T-Science.org>.

89. Quvvatova D., Sohibova Z. Symbolic Description of the Year Seasons in Uzbek Poetry. *International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT)*. ISSN: 2249 – 8958, Volume-8, Issue-5S3 July 2019.